

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 32 (14,135) 10 АВГУСТ, ПАЙШАНБА 2023 йил

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



[@Toshkent_oqshomi](https://www.instagram.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent oqshomi](https://www.facebook.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent Oqshomi_24](https://www.t.me/Toshkent_Oqshomi_24)

Нуриддин ШЕРМАТОВ

халқаро юрист

АНОНС



ТЕХНОЛОГИЯЛАР –
АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ
УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



ОНЛАЙН УЙИНЛАРНИНГ
ОНГИМИЗГА ТАЪСИРИ
ЁХУД МАНИПУЛЯЦИЯ



ЗАРАРЛИ ПРЕПАРАТЛАР

ЁШЛАР – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУЊЁДКОРЛАРИ



Жорий йилнинг 14 июль куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президентининг лавозимга

киришиш маросими тантанали равишда бўлиб ўтди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган номзод Шавкат Мирзиёев тадбирда нутқ сўзлади. Маъмур нутқнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш мақсадида ЎзЛиДеП Сиёсий кенгаши Ижроия кўмитасида “Ёшлар – Учинчи Ренессанс бунёдкорлари” мавзусида тадбир ташкил этилди.

Шоҳида ШОКИРОВА,

PhD, Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети “Беш муҳим ташаббус” маркази раҳбари, Турон фанлар академияси профессори:

– Бугун мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Хусусан, Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган 5 муҳим ташаббус ҳам айнан ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига қаратилгандир. Шунингдек, Олий Мажлисининг ҳар иккала палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти бу ислохотларнинг меваси деб айта оламан.

Шаҳноза ХОЛМАҲАМОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

– ЎзЛиДеП Ёшлар қаноти ташаббусида Ёшлар парламенти аъзолари, жойлардаги электоратимиз фаол ёшлари билан биргаликда учрашув бўлиб ўтди. Маълумки, бу йил сиёсий жараёнларга бой бўлди. Халқимиз ўзининг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини намоян этди. Бу янгиланган Конституцияни референдум орқали қабул қилиниши ёки янгиланган Конституциянинг 128-моддасига мувофиқ муддатидан илгари президентлик сайловларини бўлиб ўтишида кўрилади. Ўз тақдирини бефарқ бўлмаган ёшлар юртимиздаги ислохотлар билан ўз ҳаётлари чамбарчас боғлиқ эканликларини ҳис қилишади. Халқимиз ҳам, давлатимиз раҳбари ҳам ёшларимизга катта умид ва ишонч боғлашган. Шу ишонччи оқлашни ҳар бир ёш ўз ҳаётининг мазмуни сифатида қарашлари керак, деб ўйлайман. Чунки, бугунги ислохотлар эртага албатта тарих бўлади. Юрт тараққиёти учун қўшилган ҳар битта ҳисса ҳаёт йўлларимизни ёритади, деб ўйлайман.

Отабекхўжа СОБИТОВ,

ЎзЛиДеП Сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri:

– Бугун мамлакатимиз аҳолисини 19 млн. нафардан ортиқ ёш ташкил этади. Бу рақамлар кичик рақамлар эмас. Марказий Осиёда энг ёш мамлакат сифатида эътироф этилади. Бу эса юртимиздаги ҳар битта ислохотни ёшларга мослаб ишлаб чиқиш керак эканлигини аниқлатади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йилда давлат раҳбари сифатида иш бошлаган кундан бошлаб илк имзолаган ҳужжатлари ҳам “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун бўлди. Бу жараёнларнинг барчаси эртанги кунда халқимиз қорига ярайдиган ёшларни сиёсий куч сифатида майдонга чиқишларига замин яратади.

Шоҳрух ҚўЧҚОРОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси:

– Давлатимиз раҳбари лавозимга киришиш маросимида сўзлаган нутқлари айнан ёшларга қаратилган чорлов десак муболаға бўлмайди. Бугунги кун ёшлари ўтган давр ёшларидан изчил фарқ қилиши керак. Айниқса, таълим соҳасига қаратилган эътиборни эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Бундан ташқари, мамлакатимизда аёллар фаоллигини ошириш, гендер тенглигини таъминлаш масалаларида ҳам 7 йиллик режада муҳим ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

“УЧ ҚАҲРАМОН” ФИЛЬМИ

Айни кунларда Тошкентда: «Автобус кўприқдан кулаб тушди», «машинани ёқиб юборишди», «ИПХ автомобилларини юк машинасида уриб қочишди» каби гап-сўзлар тарқалди ва ушбу ҳолат акс этган айрим видеоларга ижтимоий тармоқлар орқали кўзимиз тушди. Ушбу ҳолат “Уч қаҳрамон” фильми суратга олиш жараёнидан олинган лавҳалардир. Шов-шувларга сабаб бўлаётган ушбу фильм ҳақида батафсил маълумот олиш учун фильм режиссёри Шоҳрух РАСУЛОВ билан суҳбатлашдик.

– Кино соҳасидан ташқаридаги инсонларнинг кўпи сиз ҳақингизда кам маълумотга эга. Бугунги кунга қадар қандай фильмларни суратга олдингиз?

– 2020 йилдан ҳозирга қадар режиссёрлик фаолиятимни давом эттириб келмоқдаман. Шу кунга қадар “Бир кунлик тўй” тўлиқ метражли фильм, “Халқ юраги”, “Виждон саратони”, “Абдулла Орипов”, “Чилонзор пойтахт қалби” каби бир неча ҳужжатли фильмлар режиссёриман. Айни кунда суратга олинаётган “Уч қаҳрамон” фильми бош режиссёри ва сценарий муаллифиман.

– Фильмдаги асосий қаҳрамонлар образиди кимларни кўрамаиз?

– Фильмда бош ролларни Шоҳрух Ҳамдамов, Сирожддин Сатторов, Улуғбек Қодиров, қозоғистонлик машҳур актёр Таукел Муслим ва яна бир тожикистонлик актёр ижро этишади.

– Фильм премьераси қачонга режалаштирилган?

– Фильм премьераси шу йилнинг охирига мўлжалланган.

– Кинокартина қайси ташкилот буюртмаси асосида суратга олинмоқда ва шу кунга қадар қанча техника (автомобиль, автобус) қурбон қилинди?

– Фильм Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳамда Ўзбекистон Кинематография агентлиги буюртмаси асосида суратга олинмоқда. Шу кунга қадар ўндан ортиқ энгил автомобиллар битта

юк машинаси ва кўприқдан ташланган автобусдан суратга олиш ишларида фойдаланилди. Шунинг ҳам инobatга олиш керак, фойдаланилган юк машинасига деярли шикаст етмади, барча энгил автомобиллар ўз хизмат вазифасини ўтаб бўлган, хизмат учун яроқсиз автомобиллар эди,


автобус ҳам бир неча йил олдин ёниб кетган бўлиб, автобуслар қатновига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади.

– Бу фильм қайси жиҳатлари билан бошқа ўзбек фильмларини такрорламайди?

– Бу борада премьерадан олдин нимадир дея олмайман (жилмайиб). Жанр ўткир сюжетли драма, жангвор фильм яна бир ўзига хос жиҳати картина ўзимиз билган ҳар қандай ҳаракатланадиган пойтахт йўлларида суратга олинаётгани менимча. Чунки бундай фильмлар асосан шаҳар чеккасида ҳаракат қатнови кам йўлларда суратга олинади. Бундан ташқари, фильмда Голливуд фильмларидаги иштирокчлари билан шуҳрат қозongan, асосан А категориядаги фильмларда суратга тушадиган қозоғистонлик каскадёр жамоаси ҳам суратга тушишди.

Умид қиламанки, фильм барча томошабинларга манзур бўлади. Бунинг учун ижодий жамоа туну кун тинмай ишламоқда. Шунингдек, жамоа ёшлардан, кино тилини тушунадиган, янгича қарашга эга бўлган ижодкорлардан ташкил топган. Савияли киномаҳсулот тайёрлаш учун барча имкониятларимизни ишга соляпмиз.

Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади



ЭНГ КИТОБХОН ОИЛА

Аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида Яккасарой тумани ахборот-кутубхона маркази, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг туман бўлими, “Нуроний” жамғармаси Яккасарой тумани бўлими ҳамкорлигида “Китобхон маҳалла” лойиҳаси доирасида тумандаги фаол китобхон оилалар ўртасида “Энг китобхон оила” кўрик-танлови ташкил этилди.

Шунингдек, кўрик-танлов доирасида Яккасарой тумани ахборот-кутубхона маркази томонидан “Янги Ўзбекистон – китобхонлар юрти” номли китоб кўргазмаси ташкил этилди.

Танлов якунида ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиблар аниқланди. Унга кўра:

1-ўрин Комил Саидмуҳамедовлар оиласи,

2-ўрин Ҳамиджон Тоҳиржоновлар оиласи.

3-ўрин Дилором Саидмуҳамедова оиласига насиб этди.

Танлов ғолиблари ва иштирокчилари Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан бадиий китоблар ва Яккасарой тумани ахборот-кутубхона маркази, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими томонидан диплом ва ташаккурномалар билан тақдирланди.

Дилноза АКРАМОВА



ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Фавқулдда вазиятлар юзага келганда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, моддий бойликларининг асраш каби фазилатлар соҳа ходимларининг ёнғин вазифаларидан саналади. Сизларга ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракат қилишингизни эслатиб ўтаемиз!

Ҳар бир фуқаро ёнғинни сезганда куйидаги тавсияларни бажаришга мажбур:

– Зудлик билан содир бўлган ёнғин ҳақида “101”, “1050” телефон рақами орқали Фавқулдда вазиятлар вазирлигининг ёнғин кутқарув хизматига хабар бериши, содир бўлган ёнғин жойини яъни манзили ва ёнғин чиққан жойни ҳамда ўзининг фамилиясини айтиши лозим.

– Содир бўлган ёнғин кўп қаватли уйлар ёки корхона ва ташкилотларни биноларида бўлса қўшни хонадаги одамларга хабар бериш ва ногирон, касалманд одамларни кутқариш (эвакуация қилиш) чораларини кўриши муҳим.

– Имкон қадар содир бўлган ёнғинни яқин масофадаги бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан ўчириш

чораларини кўриш даркор.

– Агар содир бўлган ёнғинни кучингиз ва имкониятингиз ёрдамида ўчира олмасангиз, хонани тарк этишингиз ва эшикни қулфламасдан ёпиш керак.

– Ёнғин содир бўлган хавфли ҳудуддан тутун билан захарланишнинг олдини олиш учун эшик тирқишлари ва шамоллатиш туйнукларини сувга намланган сочиқ ва чойшаб билан ёпинг.

– Ёнғин-кутқарув бўлинмалари воқеа жойига келганда дераза ва ойналарга боришингиз ва улар сизга ёрдам бериши учун ишора қилишингиз муҳим.

– Кутқарув ишлари ва эвакуация пайтларида лифтдан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишимиз ўзимиз ва яқинларимизнинг ҳаёти соғлиғи, умри завол топишига йўл қўймаган бўламиз. Умид қиламизки, сиз албатта ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қиласиз.

Илбас АХМЕДЖАНОВ,
подполковник

Жорий йилнинг 26 июль санасида қабул қилинган “Тошкент шаҳрида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва шаҳар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори эълон қилинди.

Унга кўра, пойтахтимизда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, шаҳар инфратузилмасини яхшилаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилди. Хусусан, коммунал соҳалардаги корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилган ҳолда, улардаги йўқотишларни қамайтириш, тармоқдаги узиллишларни бартараф этиш ҳамда ушбу корхоналар фаолиятига янги технологияларни жалб этиш мақсад қилинган. Шунингдек, коммунал тўловларни Ягона биллинг тизимига ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Хўш, биллинг тизими қандай ишлайди? Бу тизим аҳолига қандай имкониятлар яратади? Шу саволлар билан мутахассисга юзландик.

ТЕХНОЛОГИЯЛАР

– АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Диёрбек НИШОНОВ,

“Электр энергиясини автоматлаштириш маркази” филиали директор ўринбосари:

– Биллинг тизими – маълум бир корхоналар томонидан кўрсатилган хизматларни ҳисобини юритувчи дастурий таъминот ҳисобланади. Жумладан, электр энергетика соҳасидаги Биллинг тизими истеъмолчилар томонидан истеъмол қилинган электр энергия ҳисобини амалга оширадиган дастурий таъминотдир. Биллинг тизими барча электр энергия истеъмолчиларининг маълумотларини қайта ишлаб, ҳисоб-китобларни амалга оширади ва ягона маълумотлар базасини яратади. Бугунги кунда Биллинг тизими республикада мавжуд тўлов тизимлари ҳамда барча тижорат банклари билан интеграция қилинган бўлиб, истеъмолчиларга уларнинг мобил иловалари орқали электр энергияси учун тўловларни онлайн режимида амалга ошириш имконини беради. Бундан ташқари, истеъмолчиларга қулайликлар яратиш мақсадида тизимни мобил тури ҳамда шахсий кабинетлари мавжуд бўлиб, истеъмолчилар электр энергияси учун ҳисоб-китоб, амалга оширган тўловлар ва ҳисоблагич кўрсаткичлари тарихини кўришлари мумкин. Истеъмолчиларга тўлов амалга оширилганда, ҳисоблагич кўрсаткичи ёзиб олинганда, қарздорлиги мавжуд бўлганда, қарздорлиги учун тармоқдан ажратишдан аввал ҳамда йил бошидан жорий ойда истеъмол қилган электр энергия миқдорлари тўғрисида Биллинг тизимидан “2100” қисқа рақами орқали истеъмолчиларга СМС хабарномалар юборилади. Ҳозирги кунда “Электр энергияни ҳисобга олишни автоматлаштирилган тизими” жорий қилинган бўлиб, Биллинг тизими билан ўзаро интеграция қилинган. Ушбу тизимлар орқали қарздорлиги мавжуд истеъмолчиларни автомат равишда масофадан тармоқдан ажратиш ҳамда қарздорлиги тўлиқ бартараф этилгандан сўнг автомат равишда қайта тармоққа улаш имконияти яратилган.

Биллинг тизими орқали барча истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоблари маълумотлар базасида сақланади. Барча турдаги истеъмолчиларни рўйхатдан ўтказиш имконини яратади. Ҳисоблагичлардан маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш, истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар, тўлов билан боғлиқ амалиётлар, ойнинг ёпилиши, ҳисоботларни тузиш билан боғлиқ барча жараёнларни бир тизим ўзида мужассам этади.

Аҳолида “Ҳисоб-китобларда аниқлик қандай таъминланади?” деган савол туғилиши мумкин. Ҳозирги кунда истеъмолчиларга ўрнатилган ақлли ҳисоблагичлар орқали барча маълумотлар Биллинг тизимига инсон омилсиз автомат равишда ёзиб олинади ва қайта ишланади. Бу жараён ўз навбатида истеъмолчи ва таъминотчи корхона ўртасида маълумотлар шаффофлиги таъминлашга замин яратади.

Маълумот ўрнида, 2022 йилнинг февраль ойида бошқарув сервис компаниялари фаолиятини янада ривожлантириш, аҳолига замонавий ва қулай коммунал хизматларни амалга ошириш мақсадида “Менинг уйим” электрон биллинг тизими ишга туширилган эди. “Менинг уйим” биллинг тизими асосида мобил илова ҳам яратилган бўлиб, кўп қаватли уйлар тизимга уланган.

2022 йилги маълумотларга кўра, республика миқёсида бошқарув сервис компанияларининг 285 таси ва уй-жой мулкдорлари ширкатларининг 3502 таси биллинг тизимига уланган. Шу билан бирга, 183 та бошқарув ташкилоти ҳамда 1 375 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари “Мунис” тизимига уланган. Бундан ташқари, уй-жой мулкдорлари томонидан мажбурий бадалларни электрон тўлов тизимлари орқали онлайн қабул қилинишини ташкил этиш мақсадида 2 031 та бошқарув органи томонидан тижорат банкларининг электрон тўлов тизимлари Click, Paynet, Урау, Рауме, Apelsin орқали мажбурий бадал тўловларини амалга ошириш учун шартномалар имзоланган. Бугунги кунда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида бу иловаларнинг сафи янада ўсиб бораётганлигининг гувоҳи бўлаемиз.

Албатта, бугунги ривожланган замонда уйдан чиқмасдан туриб ҳар қандай хариддан тортиб, хизматларгача тўлов қилиш мумкин. Рақамли технологияларнинг аҳоли ўртасида жорий этилиши, инсон қадрли улуғланган юртимизда қатор қулайликларни яратади. Қабул қилинган қарор ва фармонларда ҳам Тошкент шаҳрида коммунал хизматлар сифатини янги bosқичга олиб чиқиш, маҳсулот ва хизматларнинг таннархини пасайтириш ҳамда коммунал хўжалиги корхоналари фаолияти бошқарув органлари билан ҳамкорликда хизматларни мувофиқлаштириш назарда тутилган.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади



ЗАРАРЛИ ПРЕПАРАТЛАР ЁХУД НАФТИЗИН ПСИХОТРОП МОДДАМИ?

Бугунги кунда гиёҳвандлик воситаларининг турлари кўпайган ва хилма-хил кўринишлари мавжуд. Ижтимоий тармоқлар орқали бурун бўшлиғига сепиладиган айрим дорилар ҳам психотроп модда эканлиги ҳақидаги гап-сўзларга кўзимиз тушди. Шундан сўнг мазкур соҳа мутахассиси билан боғландик ва психотроп моддалар ўзи нима? Унинг қандай истеъмол турлари бор? Шу каби саволларга Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали олий тоифали нарколог, психотерапевт Наргиза БАБАЖАНОВА билан суҳбат давомида ойдинлик киритдик.

– Психотроп моддаларнинг қандай турлари мавжуд?

– Психотроп моддалар бу – кишининг психик фаолиятига таъсир этадиган дорилар бўлиб, инсон организмга руҳий ва жисмоний тобеллик олиб келади. Бундай турдаги препаратларнинг кўпи перорал йўл билан яъни оғиз орқали истеъмол қилинади. Ушбу таблеткалар аслида психиатрия, неврология ва онкология соҳасида оғриқ қолдириш мақсадида қўлланилади. Мисол учун, Лирика препаратидан судороги (тутқаноқ) касаллигини даволашда фойдаланилади. Трамадол препарати эса онкология соҳасида кучли оғриқ қолдириш мақсадида ишлатилади. Трамадол бу психотроп моддалар қаторидан ҳозирда наркотик моддалар гуруҳига киритилган. Психотроп моддаларнинг ноотиббий истеъмоли кўпайгандан сўнг



бу препаратлар рецепт асосида бериладиган бўлди. Айрим психотроп моддалардан фойдаланиш тақиқланди. Психотроп моддаларнинг

Тропикамид деб номланувчи тури мавжуд бўлиб, аслида кўз касалликларида фойдаланилади. Бироқ жуда кўпчилик уни бурун орқали истеъмол қилиб, ўз организмларига жуда катта зарар етказишади. Бурун орқали истеъмол қилиш мумкин бўлган психотроп моддаларни фақатгина бурунга томизиб истеъмол қилиш мумкин. Ҳидлаб

бу препаратлар рецепт асосида бериладиган бўлди. Айрим психотроп моддалардан фойдаланиш тақиқланди. Психотроп моддаларнинг Тропикамид деб номланувчи тури мавжуд бўлиб, аслида кўз касалликларида фойдаланилади. Бироқ жуда кўпчилик уни бурун орқали истеъмол қилиб, ўз организмларига жуда катта зарар етказишади. Бурун орқали истеъмол қилиш мумкин бўлган психотроп моддаларни фақатгина бурунга томизиб истеъмол қилиш мумкин. Ҳидлаб

истеъмол қилинадиган дорилар синтетик гиёҳванд моддалар деб атлади.

Бироқ, бурунга сепиладиган ҳамма препарат ҳам психотроп препарат ҳисобланмайди. Лор шифокорлар томонидан бурун яллиғланиши ва вируси оддий қилиб айтганда шамоллаш касалликларида бурун учун томчилар, спрейлар тавсия қилинади. Буларнинг барчасини психотроп моддалар рўйхатига киргизиш нотўғри.

– Ушбу дориларни истеъмолчиларнинг ўзи ҳам тайёрлаб олишлари мумкинми?

– Ҳа, албатта! Психотроп моддаларни истеъмол қилувчи инсонлар ушбу препаратларни яширин йўл орқали сотиб олиб, истеъмол қилишади. Бироқ, айрим токсикомания ташхиси қўйилган шундай истеъмолчилар ҳам борки, улар психотроп моддаларни эмас дорихонада рецептсиз сотиладиган анальгин, цитрамон, баралгин, димедрол каби дори воситаларига айрим моддаларни (моддалар номини айтсам тайёрлашни ўргатиб қўйган бўламан) (кулади) бир-бирига қўшиб, қўлбола модда тайёрлаб олишади.


– Нафтизин бу қандай дори, унинг истеъмоли соғлиққа қай даражада зарар?

– Нафтизин бу – лор соҳасида қўлланиладиган маҳаллий препарат бўлиб, ўткир ринит бурун яллиғланиш касалликларида қўлланилади. Шишни қизариш ҳамда бурун бўшлиғидаги яллиғланишни тезда бартараф қилади. Бироқ, бу препаратни кўп вақт қўллаш бурун шиллиқ қаватини қуришиб, нафас олишни қийинлаштиради. Натижада бемор яна шу препаратдан фойдаланади яъни ўрганиб қолади. Шунинг учун бундай дорилардан меъёрида фойдаланиш зарур.

– Бурун битганда қандай йўл тутиш керак?

– Бурун битганда аввало, лор мутахассисга мурожаат қилиш ва аниқ ташхис қўйдириш зарур. Боиси бурун битиши турли касалликлар симптомидир. Шунингдек, барча беморларга бир хил препаратни тавсия қилиб бўлмайди. Чунки ҳар бир организм ҳар хил. Шунинг учун, препаратни касаллик тури бемор ёши ва организмга қараб тавсия қилган маъқул.

Савол жавоблардан шу аниқки, аввало ҳар ким ўз соғлиғига эътиборли бўлиши, танасида қандайдир ўзгаришларни сезганда тажрибали мутахассис қабулига бориши, ўз фарзандлари ва яқинларини ким билан яқин эканлигига алоҳида эътибор қаратиши зарур. Боиси, ушбу моддаларга ружу қўйиш бора-бора инсонни жамиятга кераксиз манкуртга айлантириши мумкин.



Дунёда наркотик моддалар таъсирига тушиб қолган одамлар орасида машҳур инсонларни ҳам учратиш мумкин. 1990 йил суратга олинган “Уйда ёлғиз” фильмида Кевин Маккалистер образини жонлантирган Маклей Калкинни бир неча муносабатларнинг муваффақиятсизликка учраши, оилавий муаммолар чуқур тушкунликка туширади. Натижада актёр наркотик моддаларга ўралашиб қолади ва ондан сонда кўрсатувлар, кичик ролларга таклиф қилиниб турган Маклейга талаб анча пасаяди. Бироқ актёр ўзини қўлга олди ва бу зарарли одатни ташлай олди. У 2018 йил ижтимоий тармоқларда анча фаоллашди ва дунё бўйлаб ўз мухлислари билан мулоқот қила бошлади. Айни дамда у мусиқий йўналишда фаолият юритмоқда.



Шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари ҳукмдорларидан бирининг ўғли, валиаҳд шахзода Халид Ал Қосимий ҳам наркотик моддалар қурбонига айланган машҳурлардан. У Буюк Британияда истиқомат қилар ва у ерда “Qasimi” кийим-кечак брендида асос солган эди. 39 ёшда вафот этган Халид Ал Қосимийнинг жасади уйининг ҳаммомидан топиладиган ва наркотик моддаларнинг меъёридан ортиқ истеъмол қилиш ташхиси қўйилган.



Дунёга машҳур актёр, қароқчилар капитани Жонни Дип ишқий муносабатлардаги айрим омадсизликлар сабаб наркотик моддалар оғушига бир муддат тушиб қолди. Шунингдек, тўхтовсиз тунги зиёфатлар, спиртли ичимликлар ҳам уни анча заифлаштирди. Яхшиямки, актёр зарарли одатларни ташлай олди ва унинг наркотик моддалар билан боғлиқлиги роль ижро этган айрим фильмлардагина қолди.

Гордая Орлица · 10 ч. ·



Muxabbat Fozilovna

БАЪЗИ ЁШЛА ЎЗИ ТАЙЁРЛАБ ОЛАДИ .
БУРУНГА СЕПАДИГАН ДОРИНИ ИЧНИ
БЎШАТИБ, БОШҚА ДОРИЛАРНИ БИР
НЕЧТАСИНИ АРАЛАШТИРИБ БЎШАГАН
ИДИШ ИЧИГА СОЛИБ СЕПИБ ЮРИШАДИ.
БУНИ ЭШИТГАНИМГА ИККИ ЙИЛДАН
ОШДИ

7 ч. · Нравится · Ответить



Бектурсунова Баҳор

Muxabbat Fozilovna шунда суюғиям борде



6 ч. · Нравится · Ответить

Гордая Орлица · 10 ч. ·



Zilola Nurmamatovna

Bundan bir 16 17 yil oldin allergiya bo'p
qoqanmunda burnim bitib qoluradi.
Har doim naftizin degan narsa tomizadigan bo'p
qoluvdim o'zim bilmagan xolda doktorga ham
bormagan ekanman negadir.
Shunda bitta qo'shnimiz ayamga dugon qizing
narkoman bo'p qoqan qachon qarama burniga
tomizadi degan ekan.
Shundan keyin ayam doktorga oborib bunimni
allergiyasini davolatuvdila rosa urshib urshib.
Demak bu burunga tomizgich psixotropolar
oldindan bo'ganda o'sha qo'shnimiz bilganda
shunaqa narsa borligini. Maniyam o'shanaqa deb
o'ylagan. demak bu narsa yangili emas prosto
kundan kun avj olaypti shekili.

5 ч. · Нравится · Ответить

Дополнительно благодарим за помощь.
Ogohlantirganiiz uchun rahmat.

3 ч. · Нравится · Ответить



Gulnoza Muhitdinova

Бурун битилганда сепиладиган дориларни
почти хаммасига урганиб қолиш мумкин
наркоманга ухшаб. Куплани билан кунига
2-3 флаконни тугатворди. Йиллаб сепиб
юради. Узида урганиш сезган одам уз
вактида врачга мурожаат қилиши керак.
Бир курсатувда лор врач айтувди, психотроп
модда кабул қиладиган болалар купайди, тенг
ярми киз болалар деб. Уни белгиси бор, яъни
фарзандингизни бурни бесабаб қонаши.

33 мин. · Нравится · Ответить



Феруза Иноятова

ОНЛАЙН УЙИНЛАРНИНГ ОНГИМИЗГА ТАЪСИРИ ЁХУД МАНИПУЛЯЦИЯ



Бизни диққат билан кузатиб, ҳар бир сонимизни эътибордан четда қолдирмай бораётган ўқувчи, азиз обуначиларимиз, хабарингиз бор, бундан олдинги сонларимизда “Сунъий интеллект” ҳақида мақоламиз чоп этилган эди. Бугун эса биз сизга қисман бўлса-да шу мавзу билан боғлиқ бўлган онлайн платформалардан бири MetaGo ва гуруҳларда алдов йўли билан топилаётган ҳаром пуллар ҳақида гапириб бермоқчимиз.

Интернет жадал ривожланиб бориши билан бир қаторда ютуқли ўйинларнинг ҳам тури кўпайиб бормоқда. Масалан, сиз осон пул топишга даъват қилувчи ўйинлар ҳақида хабар топсангизу сизда имкони бўлса. Чарчоқ, асаб, оғир меҳнатсиз пул тикиш орқали янада кўпроқ маблағга эга бўлсангиз. Бундай ўйинни ўйнаб кўрган бўлармидингиз? “Ҳа, албатта”, дейсизми? Бу ҳолатда оила даврасида, ишда, ўқишда, яқинлар орасида ёки китоб ўқишга сарфланганидан вақтингиз арзимаган роботлар бошқарувидаги платформага, тўғрироғи ўйинга кетади. Афсуски, ўйин учун сарфлаган вақтингизда эса нимадир ўрганган, кимнингдур дийдорига тўйган ёки бундан муҳим ишларни қилган бўлар эдингиз. Савол туғилади, бу қандай ўйин? Нега осон пул топиш, деярми? Сунъий интеллект билан қандай боғлиқлиги бор? Бу ўйинни ўйнаш ҳаромми?

Биз бот-бот ҳаром дея таъкидлаётган ўйин MetaGo дастури бўлиб барча ижтимоий тармоқдан фойдаланувчилар юклаб, ўйнаши мумкин бўлган дастур.

MetaGo дастури аслида тармоқли маркетингнинг бир кўриниши бўлиб, унда дастурга криптовалюта орқали пул киритилади. Киритган пулни сунъий интеллект – роботга пул ишлаш учун рухсат берилади. Робот тикилган пулга бир биржадан ихтиёрий криптовалюта сотиб олиб, иккинчи биржага қимматроққа сотади. Кўрилган даромад олдиндан аниқ ваъда қилинган бўлади ва формула асосида тақсимланади. Мана шу жараён атиги 1-2 дақиқа атрофида бажарилади.

Дастур рўйхатидан ўтиш пайтида криптовалюта билан биринчи 100\$ ҳисобни тўлдирганингиз учун 6\$ пул беради. Бу билан ушбу амалиётда судхўрликка оид амалиёт борлиги маълум бўлмоқда. Ундан ташқари, MetaGo дастурида ВИП-1, ВИП-2, ВИП-3 каби қатор пакетлар бўлиб, иштирокчи ўз даромадини кўпайтириши учун муайян муддат ичида маълум сондаги одамларни дастурга жалб этиши талаб этилади. Акс ҳолда, иштирокчининг даромади бир хил миқдорда тураверади. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, бу қимордир. Чунки, одатда ўша жалб қилинган одамлар тиккан маблағларнинг маълум бир фоизи биринчи иштирокчига даромад сифатида берилади, қолган қисми эса дастур ихтирочиларига кетади.

Хўш, мазкур платформа орқали даромад кўриш ҳалолми? Бу саволга Ўзбекистон Мусулмонлар идораси Фатво марказидан жавоб олдик. Марказ томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, MetaGO дастури орқали пул топиш шариатимизга кўра ҳаром саналади. Чунки унда ҳам рибавий амалиёт, ҳам қимор бор. Ҳар иккиси ҳам динимизда қатъиян тақиқланган бўлиб, ботил йўл билан пул топиш саналади.

Аллоҳ таоло ўзининг Каломида шундай марҳамат қилган:

“Эй, мўминлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангизлар! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бундан мустасно. Шунингдек, ўзларингизни

(бир-бирингизни) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм шафқатлидир” («Нисо» сураси, 29-оят).

Барча Ислом уламоларига кўра, мазкур ояти калимадаги мол-мулкларни ўртада ноҳақ йўллар билан ейишдан мурод – қимор, рибо, товламачилик, ўғрилиқ ва ёлғон гапириб, савдо қилиш каби барча ношаръий кўринишдаги битимлар кирди. MetaGO шундай ботил битимлардан саналади.

Бундан ташқари, дастур даромадининг бир қисми бўлмиш криптовалюталар савдоси ҳам шаръан жоиз эмас. Унинг жоиз эмаслигига Халқаро Ислом фиқҳи академияси, Миср Араб Республикасидаги “Дорул-ифто” каби фатво ташкилотлари томонидан ҳам фатво берилган. Бу фатвони Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизахуллоҳ ҳам тасдиқлаганлар. Чунки криптовалюталар ҳақиқий “пул бирлиги” ҳисобланмайди. Зеро, биткоин манбаси номаълум, кафолати йўқ, алдов ва фириб амалиётларига нишондир. Шулардан келиб чиқиб, MetaGO дастурига пул тикиш ва ундан даромад олиш шаръан ҳаром саналади.

Манипуляция. Психологик таъсир турларидан биридир. Яъни, кишини маълум хатти-ҳаракатларини амалга оширишга билвосита ундаш орқали бир томонлама ютуққа эришиш. Унинг хатарли жиҳати шундаки, у ички парокандалик, шахс яхлитлигининг бузилиши, унинг ташқи таъсирга берилиб кетишига сабаб бўлади.

Биз мақоламиз сарлавҳасида манипуляция сўзини ишлатдик. Энди тушунгандирсиз нимага бу сўздан фойдаланганимизни? Юқоридаги биз келтирган ҳолат ҳам бу билан бевосита боғлиқ. Суриштирувларимиз натижасида шуни аниқладикки, ҳатто бу ўйинда ютиш учун уйини сотиб, пул тикканлар ҳам бор экан. Энг ачинарлиси ўйин қурбонлари талайгина. Бор пулидан ҳам айрилиб, ўзига хулоса чиқарганлар ҳам кўп. Бироқ, бу каби пул топиш қанчалик завқ? Қанчалик қадрли? Ўз меҳнатингиз, билимингизга яраша даромад топиш яхши эмасми? Шунга яраша пулингизда барака ҳам бўлармиди?

Сўзимиз давомида биз яна бир шунга ўхшаш вазиятни таҳлил қилмоқчимиз.

Онлайн савдо ва гуруҳ ривожини учун ўйлаб топилган масхарабозликлар.

Барчангизга маълум ижтимоий тармоқлардаги савдо анчагина қулай усулга айланиб бормоқда. Уйда ўтириб ўзингизга маъқул нарсани харид қилсангиз, сизга тезлик билан етказиб беришса. Бу ҳамма учун қулай. Аммо бу каби имконлардан фарз ниятда фойдаланаётган инсонлар ҳам йўқ, дея олмаймиз. Ахир кундузнинг кечаси, шириннинг аччиғи, ростнинг ёлғони бўлгани каби яхши инсонларнинг ёмони ҳам бор. Обуначилар сонини кўпайтириш мақсадида ўйлаб топилаётган ўйинлар, постлар ҳам бундан мустасно эмас.

Бу билан биз барча ижтимоий тармоқда ўз бизнесига эга сотувчиларни назарда тутмаяпмиз, айрим кўштирноқ ичидагиларни мисол тариқасида келтирмоқчимиз, холос. Кимга фойда алдов орқасидан пул топиш, обуначи кўпайтириш? Бу билан инсонларнинг бошқа онлайн гуруҳларга ишончи камаяди.

Хулоса. Мана шундай вазиятларга тушмаслик, интернет оламига боғланиб қолмаслик учун вақтингизни тақсимлашни ва режа асосида иш қилишни ўрганингиз шунда ҳаммаси ҳалол ва ёқимли бўлади. Сиз учун энг тўғриси кўпроқ илм олиш ва ўрганиш ўйинларга пул сарфлаш эмас!

Дилнур МАМАСАФОЕВА тайёрлади



НАЖОТ ИЛМДАДИР

Бугунги мобиль авлод вакиллари ҳар соҳада ўз билимлари ва фикрларига эгадирлар. Айниқса, дунёнинг етакчи давлатларида таҳсил олган ёшларнинг орамизда кўпайиши мамлакатимизга янгича гоъларни олиб келади. Бундай ёшлар билан суҳбатлар ўтказиш ва уни кенг ёйиш, илғор тажрибаларни ўзимизда йўлга қўйилишига ҳамда ўрганилишига йўл очади.

Ана шундай ёшлардан бири Нуриддин ШЕРМАТОВдир. У 1998 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Тошкент давлат юридик университети, Польшадаги Гданск университети ҳамда Пенсильвания давлат университети талабаси, халқаро юрист.

Ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб, жумладан, мамлакатимизда онлайн юридик консултациялар олиб боради.

– Бутун дунёда ҳуқуқшуносларга талаб қандай?

– Бугун дунёда ҳуқуқшуносларга талаб ҳар доимгиданда кучли, деб ўйлайман. Спортчи давлатни спортчилик ҳеч бир соҳа танита олмайди дейди. Санъат соҳаси вакили эса санъатчилик давлатни бутун дунёга ҳеч қайси бир соҳа танита олмайди, дейди. Йўқ, мен бу фикрларга умуман қўшилмайман. Давлатнинг манфаатини халқаро ареналарда ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқшунослик биринчи ўринда туради, деб ҳисоблайман. Бу менинг шахсий фикрим, албатта. Спортни ҳам, санъатни ҳам тартибга солувчи керак. Уни тартибга солувчи нима? ҚОНУН. Қонунларни ишлаб чиқиш, уларни тартибга солиш билан ҳуқуқшунослар шуғулланади. Шундан келиб чиқиб айта оламани, мамлакатларни бугунги ҳолатда яшаши учун фуқаролар ҳамда давлат орасидаги асосий мулоқотни таъминловчи, боғловчи вазифани ҳуқуқшунослар бажаради. Ҳуқуқшунослик фаолияти бугунги кунда давлат даражасида эътибор берилётган соҳалардан бири. 2016 йилда ҳуқуматлар алмашинуви давридаям қабул қилинган давлат стратегиясининг 5 та аспектидан бири айнан суд ва ҳуқуқшуносларга оид эди. Мамлакатимизда ҳуқуқшуносларга талаб жуда ҳам юқори. Мисол учун, Ўзбекистон аҳолиси 34 млн. бўлган пайтидаги статистикага юзланадиган бўлсак, шунча аҳолига бор йўғи 4000 тагина адвокат тўғри келади. Бу жуда кам кўрсаткич. Солиштириш учун, Америкада бугунги кундаги аҳоли 350 млн. бўлса, у ерда фаолият юридадиган адвокатларнинг сони 4 млн. атрофида. 70 млн. аҳолига эга Буюк Британияда эса ярим млн.дан ортиқ адвокатлар мавжуд. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, адвокатлик билан ҳуқуқшуносликнинг фарқи бор. Айтайлик, Тошкент давлат юридик университетида йилига минглаб ҳуқуқшунослар чиқиши мумкин. Лекин улар юқорида айтганимиз давлат ва фуқаролар ўртасида боғловчи вазифани ўтаяптими йўқми? Ўзларининг адвокатлик фаолиятини олиб бораптими йўқми? Умуман юридик соҳада қолдими, деган саволлар ҳам бор.

– Лекин, бу фикрларингизни инкор қиладиган хабарлар ҳам бор. Яъни сунъий интеллектнинг ривожланиши баробарида келажакда йўқ бўлиб кетадиган касблар рўйхатида ҳуқуқшунослар ҳам бор. Бунга сизнинг фикрингиз қандай?

– Мен IT технолог эмасман, лекин ўзимнинг шахсий фикрларим бор. Бизда жуда кўп соҳаларни саводхонлигига алоқадор сунъий интеллект борасида ҳам билимларимиз унчалик етарли эмас. Фикримча, бугун биз тушунаётган сунъий интеллектга бугун ёки кеча асос солинган деб ҳисобламайман. Компьютер тугмаларини босиш орқали маълум бир ишни амалга оширишимиз. Сунъий интеллект эса уни экранга олиб чиқиб беради. Бугунги нуқтаи назаримдан келиб чиқиб айта оламани, бу технология инсонлар бажарадиган фаолиятни тўлиқ бажариб бера олмайди. Яқинда Япониянинг Токио шаҳрида шаҳар мэрлигига сайлов ўтказилган. Унда сунъий интеллект жуда юқори кўрсаткич билан иккинчи ўринни олди. Мэр сифатида инсон бу лавозимга тайинланди, лекин яқин келажакда унинг ўрнини робот эгаллаши мумкин. Аммо мана шу сунъий интеллектнинг фаолияти тўғридан-тўғри инсонларга боғлиқ. Унинг ишлаши учун инсон меҳнати талаб қилинади. У ўзининг ҳаётлигини таъминлай олмайди. Юридик соҳани ҳам бир кун эгаллаши мумкиндир. Шунда ҳам у инсоннинг ўрнини эгалламайди, ёрдамчи сифатида фаолият юритувчи касбларга алмаштирилиши мумкин. Айтайлик, мен судья бўлсам, бугунги кунда иккита ёрдамчим бўлади. Ана шу иккала ёрдамчим ўрнини робот эгаллаши мумкин. Нега судья бўлолмайди дейилса, қонунчиликда жазони юмшатовчи ёки қаттиқлаштирувчи ҳолатлар мавжуд. Масалан, кучли ҳаяжон оқибатида инсон ҳаётига қасд қилиб қўйди дейлик, сунъий интеллект кучли ҳаяжонни тушунмайди. Ёки юқоридаги Япония мисолини оладиган бўлсак, энди одамлар мэрга ёзма ёки оғзаки мурожаат қилиб ўтиришмайди. Шунчаки онлайн мурожаат орқали муаммолари ҳал бўлади. Ҳозирги кунда ҳам яна тажрибалар, такомиллаштириш ишлари давом этмоқда. Аммо ўз фикримда қоламан: сунъий интеллект қанчалик мукаммал бўлмасин, у ўзини ўзи ясай олмайди. Инсон омили барибир муҳим.



– Ўзбекистон, Америка, Европада таҳсил олган талаба сифатида улардаги таълим тизимини қийслаб бера оласизми?

– Нажот илмдадир деган машҳур гап бор. Таълим йўналишлари ҳақида гап кетганда мен стандартлар, давлат моделларидан кўчиришларга қаршиман. Бугунги кунда юртимиз мактабларида Финландия модели ёки олий таълим муассасаларида Сингапур моделини олиб кириш актуал бўлиб турибди. Шахсий фикримча, биз моделларни кўчиришдан йироқ бўлишимиз керак. Финландия ҳам ўзининг мактаб тизимини шакллантираётган пайтда биз қайсидир давлат моделини оламиз деб ишлаб чиқмаган. Инсонларнинг фикрлаш доираси, ўзларидаги бўлаётган талаб, мавжуд сиёсий тизим, кадрларга бўлган эҳтиёж, замонавий тенденциялар, рақобатбардош кадрларни етказиб бериш учун уларга қандай кадрлар зарур каби заруратлардан келиб чиқиб, ўз моделларини яратди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ўзимизнинг кадрларимиздан келиб чиққан ҳолда ўзимизга хос бўлган ўзбек моделини ишлаб чиқиш тарафдориман.

Яна бир жиҳатни айтиб ўтишим керакки, биз мамлакатимизга чет элдан қайсидир моделни олиб кириш мобайнида кўпинча ўзбекчалаштириб юборамиз. Ҳемис дастурини мисол қилиб оладиган бўлсак, талаба топшириқларни бажаради. Автоматик равишда унга баҳо қўйилади. Биздагига ўхшаб, устознинг даволат олишига, формасини текширишига, талабани уришишига ҳолат йўқ.

– Талаба дўстларга тавсияларингиз.

– Дўстларимдан олдин талабаларнинг ота-онасига мурожаатим бор. Мамлакатимизда асосий олий таълим муассасалари Тошкент шаҳрида жойлашган. Фарзанди «ўқишга кирдим» деса кўпчилик «ҳа, энди ўз кунингни кўрарсанда», дейди. Талаба ўқишга кирди дегани у ишлайди дегани эмас. Асосий ракурсни ўқишга қаратиш керак. Ҳам иш, ҳам ўқиш катта куч талаб қилади. Сизга тушунтира олишим учун мисол келтираман: 1 дан 10 гача санасангиз осон санайсиз. Лекин бошидан ва охиридан биттадан сон санасангиз 2 ёки 3 уринишдан сўнг адашиб кетасиз. Агар машғулотни кўпайтириб, орага учинчи сонни қўшсангиз миянги функцияларни бажаришда қийинчиликка дуч кела бошлайди. Яъни 1 10, 2 9, 3 8 ва ҳоказо. Иккинчи машғулот эса 1 5 10, 2 6 9... Худди шундай инсон ҳам қанчалик билимли бўлмасин, бир вақтнинг ўзида бир неча вазифани бажариши қийин. Оқибати эса барча ишларни мукаммал эмас, охирига етказилмаган ҳолатда бажарилишига олиб келади. Дўстларимга айтган бўлардимки, сиз бугун билимга сармоя киритинг. Келажакда бу билим сизга ишлайди. Кўп китоб ўқиш кишини дунёқарашини ўсишига ёрдам беради. Сиз китоб, илм орқали дунёга бошқа ракурсда қарашни бошлайсиз.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА суҳбатлашди



БЛОГЕР АБДУҚОДИР МЎМИНОВ 7 ЙИЛ 3 ОЙГА ОЗОДЛИКДАН МАХРУМ ЭТИЛДИ

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судида блогер, «Oupaqa qatag» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдуқодир Мўминовга оид жиноят ишини кўриб чиқиш бўйича суд жараёни якунланиб, ҳукм эълон қилинди.

Маълумки, блогер Абдуқодир Мўминов жорий йилнинг 8 февраль куни фирибгарлик ва товламачиликда гумонланиб, қўлга олинган эди.

Тошкент шаҳар Миробод туман судининг иш юритувида келиб тушган аризага кўра, журналист Абдуқодир Мўминовдан жами 900 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда моддий зарар кўрган 14 нафар жабрланувчи аниқланган.

33 яшар Абдуқодир Мўминовга нисбатан Жиноят кодексининг 141-1-моддаси (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш) 2-қисми «а», «б» бандлари, 165-моддаси (товламачилик) 3-қисми «а» банди, 168-моддаси (фирибгарлик) 3-қисми «б», «в» бандлари, 4-қисми «а» банди, 189-моддаси (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш) 1-қисми ва 28, 211-моддаси (пора беришда иштирокчилик) 3-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятларда айбланган эди.

Жорий йилнинг 25 июль куни бошланган маҳкама жараёнининг дастлабки кунида жабрланувчиларнинг кўрсатмалари эшитилди. Эшитув мобайнида судланувчи ва унинг адвокати ўз эътироз ва фикрларини билдирди.

Абдуқодир Мўминов иши бўйича суднинг иккинчи кунида 8 нафар жабрланувчининг кўрсатмаси тингланди. Блогер мурожаатчиларнинг муаммосини ёритиш учун пул олганига изоҳ берар экан, «текин ишласак, қандай ишлаймиз?» деди. Айбланувчининг онаси эса ҳозирча суд ишидан қониқиш ҳосил қилаётганини айтмоқда.

Журналист Абдуқодир Мўминов иши юзасидан Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг 27 июль куни ўтказилган маҳкама жараёнида 8 нафар жабрланувчининг кўрсатмалари тингланди.

Дастлаб сўроқ қилинган жабрланувчи З.Э. ғишт заводи билан боғлиқ муаммога дуч келгани учун Абдуқодир Мўминовни излаб топиб, у билан 10 минг АҚШ долларлик келишувга эришганини айтди. У олдиндан 3800 АҚШ доллари бериб, ғишт заводи билан боғлиқ муаммоли ҳолат ҳақида журналистик суриштирув ўтказиб беришни сўраган.

«Абдуқодир Мўминов билан бир танишим орқали Тошкентда танишиб қолгандик. Шундан сўнг уни Жиззахга чақирдим. Бизда ғишт завод билан боғлиқ муаммо бор эди. Умумий ҳисобда 10 минг АҚШ долларга оғзаки келишдик ва шу пул эвазига муаммо юзасидан журналистик суриштирув қилиб бериши керак эди. Бошидан 3000 АҚШ доллари, кейин бир марта 500 ва яна уч марта 100 АҚШ долларидан, жами 3800 АҚШ доллари бердим. Шу видеони YouTube’да 15 кунми ёки бир ойми қўйиб, кейин олиб ташлади. Телефонларимга жавоб бермай қўйди. Керакли «запислар» бор эди, уни ҳам бермади», — дейди жабрланувчи.

Фуқаронинг иддаосига жавоб берар экан, Абдуқодир Мўминов 3800 АҚШ долларлик айбловни рад этди. Аммо ушбу фуқародан меҳнати учун 600 АҚШ доллари

ва автомобили учун аккумулятор олганини тан олди.

Судланувчининг айтишича, у жабрланувчидан дастлаб 500 АҚШ доллари, кейин яна 100 АҚШ доллари, жами ҳисобда 600 АҚШ доллари олган. 3800 АҚШ доллари ҳақидаги гап ёлғон.

Яна бир жабрланувчи аёл Л.М. Абдуқодир Мўминовни ўзи излаб топганини, ноҳақ ишдан бўшатилгани учун адолат излаб, ундан ёрдам сўраганини билдирди.

«Олий судда ҳам ҳуқуқларим тикланган бўлишига қарамасдан, иш жойимга қайтиб тиклашмаган. Шу сабаб буларни YouTube’дан излаб топиб, ўзим алоқага чиққанман. Ёрдам сўраганимда булар шартнома берган. Шартномага 10 миллион сўм дейилганди. Мен шунда ҳозир 5 млн. сўмини, ишим битгач, яна қолган 5 млн. сўмини бераман деб келишув қилганман», — деди жабрланувчи.

«Абдуқодир Мўминов менинг ишим юзасидан журналистик суриштирув олиб бориб, видео тайёрлаган. Лекин шунга қарамасдан иш жойимда мени тинч қўйишмаган. Шу сабаб булардан охиригача ёрдам беринг, деганман. Хуллас, бу масала яна судга ўтгач, мен булардан тайёрланган кўрсатув ва мен берган факт, далилларни беришингизни сўрайман, деганман. Шу сабаб бир неча марта телефонлашганимизда: «Вилоятга кетганман», — деди. Шу билан видеоларни ололмадим. Аммо пул билан боғлиқ даъвоим йўқ».

Суднинг шу қисмида судья Сардорбек Содиқов айбланувчига қуйидагича савол билан юзланди: «Абдуқодир сиз ички ишлар органи ходими бўлмасангиз, прокуратура бўлмасангиз, одамлар муаммоси билан юриб, яна улардан пул олишдан мақсад нима эди? YouTube’ингизда етарли даражада ўқувчи бор экан, шундан ҳам тирикчилигингиз яхши ўтаётган бўлгандир. Сизнинг бу ҳаракатларингиз кўпол қилиб айтганда шантаж қилишга ўхшашми-да?».

Судланувчи Абдуқодир Мўминов эса шундай жавоб берди: «Блогерлар шартнома қилиб ишлайди. Гонорар олишга ҳам ҳаракат қилганман. YouTube’дан деярли даромад олмайман. Мен шантаж учун ишламаганман. Очиқ ишлашга ҳаракат қилганман».

Судда сўз олган уч нафар жабрланувчи – М.Б., Қ.А. ва М.И.лар ноқонуний тендерда олиб қўйилган фермерлик ери муаммосини олиб чиқиш учун блогерга мурожаат қилишганини, ҳар бири 5 млн. сўмдан, жами 15 млн. сўм миқдорда пул беришганини, аммо ваъда қилинган материал чиқарилмаганини айтиб, даъво қилди.

«Бу кишилар ёнимга келганида шартнома билан тўлиқ танишинг, мен прокурор, ҳоким ёки ички ишлар ходими эмасман, мен муаммони борица ўрганиб, олиб чиқиб бераман. Агар кимдир шантаж ёки провокация қилиш нияти бўлса, ишимни шу жойида тўхтатаман, дедим. Муаммони ўрганишга бориб, ҳолатни ўрганаётганимда улардан бири «нима бўлса ҳам шуларни чиқариб, иккинчи томонни шарманда қилиб беринг», дейишгани учун бу ишдан совиб, ёзгим келмай қолди», деди судланувчи.

Жабрланувчилар эса бу ёлғон эканини, бу ҳақида материал чиқмагач, 15 млн. сўм пулини сўрашганини, аммо блогер «менда олиш бору, қайтиб бериш йўқ», деб айтганлигини маълум қилишди.

Судья мазкур мулоқот давомида судланувчига юзланиб, «Абдуқодир нега пулни қайтариб бермадингиз?», деб савол берди. Судланувчи бунга жавобан: «Нима бўлишидан қатъий назар уларнинг пулини қайтариб беришга тайёрман», — деб жавоб берди.

Бир ҳафта давом этган суд ишида барча жабрланганлар ва гувоҳлар, шунингдек, Абдуқодир Мўминовнинг барча кўрсатмалари эшитилди.

Суд тергови якунига етганидан сўнг, Абдуқодир Мўминовга сўз берилди. У қилган ишларидан пушаймон эканлигини айтиб, даъвогарлардан олган барча пул маблағларини қайтариб беришга тайёр эканлигини маълум қилди. Шунингдек, блогер суддан кекса ота-онаси унинг қарамоғида эканлигини инobatга олган ҳолда унга озодликдан маҳрум этишдан ташқари бўлган жазо тайинланишини сўради.

Шундан сўнг суд ишида танаффус эълон қилинди. Бир неча соат давом этган муҳокамалардан сўнг блогер Абдуқодир Мўминовга нисбатан суд ҳукми чиқарилди.

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг раиси Сардор Содиқов эълон қилган ҳукмга кўра, Абдуқодир Мўминов фуқаролар – Л.М., Ф.К. ва З.Э.нинг пул маблағларини фирибгарлик йўли билан эгаллаш ҳолатлари бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ҳамда унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «б», «в» бандлари билан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилди ҳамда жиноят ишининг шу қисмлари Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси (реабилитация учун асослар) 1, 2-бандларига асосан тугатилди.

Мўминов Жиноят кодексининг 141-1-моддаси (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш) 2-қисми «а» банди, 165-моддаси (товламачилик) 3-қисми «а» банди, 168-моддаси (фирибгарлик) 4-қисми «а» банди, 189-моддаси (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш) 1-қисми ва 28,211-моддаси (пора беришда иштирокчилик) 3-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилди.

Абдуқодир Мўминовга Жиноят кодексининг 45 (муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш) ва 57 (енгилроқ жазо тайинлаш) моддаларини қўллаган ҳолда Жиноят кодексининг 59 (бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш) ва 61 (жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари) моддалари тартибда 3 йил муддатга журналистик (блогерлик) фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда 7 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Тайинланган жазони умумий тартибли колонияда ўтатирилиш белгиланди.

Шунингдек, Абдуқодир Мўминовдан жабрланувчилар фойдасига жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш белгиланди.

Биринчи инстанция ҳукмидан норози тарафлар қонунда белгиланган тартиб ва муддатда Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясига шикоят бериш ва протест келтириш ҳуқуқи мавжудлиги маълум қилинди.

Шунинг билан суд ўз ишини якунлади.

Ш.ЗУПАРОВА тайёрлади

БЕМЕХР ҚАЙНОТАЛАР...

Оилада уч опа-сингилнинг кенжаси бўлиб вояга етганман. Оиламизга ҳавас қиладиган дадамнинг дўсти: “Битта қизингни келин қиламан”, деб ният қилган экан. Икки опам узатилгач, бу тилакни амалга ошириш менинг чекимга тушди. “Иккита қизингдан қуруқ қолдим, энди учинчингни мени ўғлимдан бошқасига бермайсан”, деб туриб олди бўлажак қайнотам.

– Сендан битта қиз айлансин, – дея дадам ҳам қўл ташлаб, розилик берибдилар. Хуллас, тақдирим менинг ихтиёримсиз бошқа бир инсонга боғланди. Куёв бўлмиш Россияда бўлгани учун фотиҳани тайин қилиб, келиши ҳаманоқ тўй қилишга келишиб олишди. Бир олам орзуларим бор эди. Ҳаттоки, опаларим сингари куёв билан ширин энтиқиб учрашиш ҳам насиб этмади. Ёлғон бўлмасин, тўйга икки кун қолганда, у билан учрашдик. Қахрамон экан исми. Бўй-баста келишган, қирра бурун, ҳинд йигитларига ўхшаб кетаркан. Менга бошдан-оёқ разм солган йигит:

– Ҳм, Муаттар деганлари сизмисиз?... – деди аллақандай менсимаган оҳангда. Ичимда уйғонаётган ширин туйғулар унинг бу гапидан сўнг бир зумда ўчиб қолди.

– Мен сизга уйланомайман, – деди дабудурустан. Кўзларига қарадим. Унинг кўзлари қаҳрли ва кибрли боқарди.

– Нега ундай дейсиз? Ахир фотиҳамиз... – гапим оғзимда чала қолди.

– Мендан сўрамай фотиҳа қилишган. Менинг ўз суйганим бор. – Бир олам ширин орзулар билан учрашувга чиққан кўнглим ер билан чилпарчин бўлди. Йиғлаганча, югуриб кетдим. Келиб катта опамга айтдим. Бу гапдан хабар топган дадам дарҳол дўстини ёнига чорлади.

– Қаҳҳор, бу нима гап? Ўғлинг ўз севганим бор, деганмиш. Ахир, икки кундан кейинга тўй белгиланган бўлса... – дадамнинг эътирозини тинглаган бўлажак қайнотам бўғриқиб гапирди:

– У тентак бола гапирверади. Аҳамият берма. Албатта, тўй бўлади. Битта ўғил, деб кўнглига қараганимга жуда ҳаддидан ошиб кетибди. Тўй бўлади, вассалом.

Тўй бўлди. Йиғлаб-йиғлаб келин бўлдим. Янги хонадонда мени нималар кутаётганини ўзимча тасаввур қилишга ҳам кўрқардим.

Қайнонам вафот этган. Қайнотам эса менга меҳрибон эди. Аммо эрим ва унинг икки опаси менга қарши тиш қайрашарди. Тўй куни кечаси эрим икки елкасининг орасига ўйиб ёзилган исми кўрсатди:

– Уни жуда севардим. Севгимнинг исботи сифатида мана азобига чидаб, нинада ўйиб ёздирганман. Аммо сени, деб дадам мени ундан жудо қилди. – Унга қарши бирор сўз айттолмасдим. Ёстиққа бағримни берганча йиғлардим. Иккита қайнопамнинг қилмишлари эса, эримниқидан ҳам ўтиб тушарди. Кун-кунора келиб қилган ҳар бир ишимдан камчилик топишга ва мени бошқалар олдида мулзам қилишга уринишарди.

Бир куни кир ювиб ўтирсам, катта қайнопам Рисолат кириб келди.

– Ҳа, кир ювяпсизми? – деди менсимамай.

– Келинг, опа, – дея ўрнимдан турдим. Энди сўрашмоқчийдим, у юзини ўгирди. Сўнг илондек вишилди:

– Сен туфайли укам билан отам тескари бўлиб қолишди. Шунинг учун сени ёқтирмайман. Шўрлик жигарим ўз севганига эришолмади. Ҳаммасига сен сабабчисан. Барибир, бу уйдан кетмагунингча тинчимайман, – деди. Музлаб қолдим. Ахир, мен шўрликда нима айб?

– Рисолат, уйингга кет. Нима бор бу ерда? – деган овоз эшитилди ортимдан. Ўгирилдим. Бизнинг гапимизни эшитиб турган қайнотам қизини урушиб берди.

– Ада, сизларни ҳам кўргани келолмайманми, энди... – ёлғондан отасига йиғламсираб гапирди қайнопам.

– Келсанг, тўғри келиб, тўғри кет. Уйга кир, – деди қайнотам. Сўнг менга юзланди: – Қизим, чой қўйворинг. Ошхонага ўтиб, чой қўйдим. Нон, қанд-курс, чой қилиб қайнотам ва қизи ўтирган хонага кирдим.

Гарчи гапларидан кўнглим ранжиган эсада, аммо билдирмай очиқ чехра билан чой узатдим. Отаболани ёлғиз қолдириб, ишимга қайтдим. Не кўз билан кўрайки, оппоқ кирлар ивигилган тоғорага кимдир (тўғрироғи, қайнопам) ранги чиқадиغان сочқиларни ҳам солиб қўйганди. Кўк ва қизил ранглар оппоқ кўйлакни кўриб бўлмайдиган даражага келтирганди. Йиғлаб юбордим. Алам қилди. Аммо қайнотамга сездирмадим. Бундай ювилган кир учун эримдан тарсаки едим. Хуллас, қайноपालаримнинг бири келиб, бири кетар, ҳар гал турли нағмалар билан мени шу уйдан кетказишга уринишарди. Аммо сабр қилардим. Албатта, бир куни юзага чиқишимга ишонардим.

Бошқоронги бўлганимни эшитиб, эрим бироз илиқ муносабатда бўла бошлади. Бироқ бу янгиликни эшитган аждарҳо опаларимиз бу боладан кутулиш йўлларини ўйлай бошлашди. Шундай кунларнинг бирида уларнинг гапини эштиб қолдим.

– Чойига қўшиб қўй, тез таъсир қиларкан, – деди каттаси Рисолат.

– Аниқми, – деди иккинчиси Фароғат.

– Кампир айтди, шу чойни ичса боласи тушиши аниқ экан. – Кўрқиб кетдим. Мен нима ёмонлик қилдим ахир? Қорнимдаги ҳам бегонамас, жигарининг зурриёди-ку... Шу қадар тубан аёллар бўладими, ахир?

Уларнинг режасидан бохабар бўлганим учун қайноपालарим берган чойни ёлғондан уйга олиб кириб кетган бўлдим-у, ҳаммасини деразадан ташқарига тўкиб юбордим. Икки кун давомида бир қўйиб, бири: “Яхшимисиз, Муаттар? Ҳеч қаерингиз оғримаяптими?” деб сўрашди. “Йўқ, яхшиман”, дедим. Улар бир-бирига саволомуз қараб қўйишарди. Хуллас, болам туғилгунча ўз эҳтиётини қилиб юрдим.

Худога шукр, вақти-соатим етиб, пахлавондек ўғилли бўлдим. Эримнинг қувончи чексиз эди. Ўғлини еру кўкка ишонмасди. Қайнотам ҳам неварга билан андармон бўлиб қолди. Бироқ боламнинг аммалари ўз ниятидан кечай демасди. Рисолат опа келиб, эримга: “Онам бўлганида, бизни чиройли кутиб оларди. Манави хотининг на чой кўяди, на овқат қилади. Эссизгина ўз ота уйимизга ҳам сиғмаймиз”, деб ёлғондан бизни уруштирарди. Табиийки, менга кўнгли йўқ эрим опаларининг гапига кириб роса калтакларди. Боламини бағримга босганча, унсиз йиғлардим. Аммо на опаларимга, на ота-онам ёки акамга бориб дардимни айттолмасдим. Худодан фақат ва фақат сабр тилаб яшардим.

Иккинчи болам – қизим туғилганда, қайнотамнинг аҳволи оғирлашди. Бир куни у мени ёнига чорлаб:

– Муаттар, қизим, биламан сизга қийин. Бир тарафдан ўғлим азобласа, иккинчи томондан қизларим тинч қўйишмайди. Аммо сиз бардошли бўлинг. Вақти келиб, улар ўз хатосини тушунишади. Мен ўлгач, оилангизнинг бузилишига йўл қўйманг. Нима бўлса ҳам чиданг, жон болам, – деди қайнотам ёшли кўзларини артаркан.

– Бундай гапларни айтманг, дадажон. Ҳали кўп яшайсиз. Раҳимжонингизнинг тўйларини кўрасиз, – деб тасалли бердим у кишига. Аммо инсон кўнгли сезаркан. Орадан икки кун ўтиб, қайнотам бандаликни бажо келтирди.

Қайноपालарим: “Отамга яхши қарамадинг”, деб аюҳаннос солишди. Уларнинг тухматларига, таъна-маломатларига ҳам индамай бош тутиб бердим. Ўзга чорам ҳам йўқ эди. Бу гаплар кўчага овоза бўлганида, опаларим менинг аҳволим қай даражада эканлигини билишди. Бироқ мен ҳеч кимга нолимай яшашда давом этдим. Орадан йиллар ўтарди. Ўғлим 12га, қизим 10га кирди. Бу орада ота-онам ҳам вафот этишди.

Бир куни қорнимдаги қаттиқ оғриқдан, йиқилиб тушдим. Аксига олиб эрим ҳам Россияга кетганди. Аранг ўрнимдан туриб, акамга кўнғироқ қилдим. “Тез ёрдам” билан етиб келган акам, мени шифохонага етказди. Кўричак бўлган эканман. Дарҳол операция қилишди. Шифокорлар рухсат бергач, акам ота ҳовлимга олиб кетди.

– Бир муддат дам олиб, ўзингга кел. Борасан, ўша уйингга, – деди қатъий оҳангда.

– Болаларим-чи? – ўтинч билан тикилдим акамга.



Сиратана Мах

– Уларни ўзим олиб келаман, – деганча чиқиб кетди.

Бироқ қайноपालарим: “Нега бизга айтмай операция қилдирдинглар”, деб акам билан жанжаллашибди. Болаларимни ҳам кўрсатишмабди.

– Бола керак бўлса, ўзи келсин, – дейишибди. Асабий тарзда келган акам:

– Улар аждарҳонинг ўзи эканку, синглим. Шунча йилдан буён қандай қилиб яшаяпсан? – деди. Мен эса индамай бош эгдим. – Вассалом, шу ерда турасан. Болаларинг соғинишса, ўзлари келишади.

Шу тариқа акамнинг уйида беш ой яшадим. Болаларим мактабга боришганида яширинча кириб кетишарди. Улар ҳам аммаларидан кўрқишарди. Эрим беш ойдан сўнг келди. Акам билан гаплашгач, келиб мени уйга олиб кетди.

Йиллар ўтиб борарди. Катта қайнопам қиз узатди. Бу дунё қайтар дунё, деганлари рост экан. Қизи қайноपालари билан урушиб, уйига қайтиб келгач, у ўз хатосини тушунди. Келиб мендан узр сўради.

– Муаттар, мени кечиринг. Сизга қилган ёмонликларим ўзимга қайтди, – деди Рисолат опам. Мен нима ҳам дердим.

– Опа, сизни аллақачон кечирганман, – дедим кулимсираган кўйи.

Иккинчи қайнопамнинг ёлғиз ўғли бепушт экан. Шу сабаб келини ажрашиб кетибди.

– Бир пайтлар сизнинг болангизни туширмоқчи бўлгандим. Мана Худойим ўзининг боламини бепушт қилиб қўйди, – деб йиғлади Фароғат опа. Унга нима деб таскин беришни билмадим. “Қўйинг, ҳали ҳаммаси яхши бўлади”, дедим холос.

Худога шукр, келин тушириб, қиз узатдим. Тўйларимда қайноपालаримдан маслаҳат сўрашни унутмадим. Улар йигирма йил деганда менинг “яхши келин”лигимни тан олишди. Бугун мени ҳам ҳурмат, иззат қилишади. Сабрим ортидан бугун оилам бут, кўнглим хотиржам яшамоқдаман.

SERGELI TUMANINING TASHQI SAVDO AYLANMASI QANCHALIGINI BILASIZMI?

Toshkent shahar Statistika boshqarmasi ma'lumotiga ko'ra, 2023-yilning yanvar-iyun oylari yakuni bilan Toshkent shahrining tashqi savdo aylanmasi 11 157,0 mln. AQSh dollarini tashkil etib, 2022-yilga nisbatan 1 943,4 mln. AQSh dollariga yoki 121,1 %ga ko'paydi. Shahar tashqi savdo aylanmasi tarkibida Sergeli tumani 129,9 % ulush bilan 939,0 mln. AQSh dollarini tashkil etdi.

Akmal QOBILOV,

Sergeli tumani Statistikasi bo'limi boshlig'i

